

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январ-мартда Сурхондарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2245,1 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январ-мартига нисбатан 3,3 %га ўсди.

2018 йил 1-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 707,7 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,2 %га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯҲМни шакллантиришда Сурхондарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,5 %ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 й. га нисбатан % да
	2017йил. январ- март	2018йил. январ- март	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>1746,2</b>	<b>2245,1</b>	<b>106,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1671,8	2145,6	106,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	74,5	99,5	108,0
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>1671,8</b>	<b>2145,6</b>	<b>106,7</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	353,8	498,8	102,4
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	304,6	420,5	118,6
Саноат	163,4	261,6	141,5
Қурилиш	141,2	158,9	92,2
<b>Хизматлар</b>	<b>1013,4</b>	<b>1226,3</b>	<b>104,6</b>
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	271,5	334,6	101,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	161,2	175,8	104,8
бошқа хизмат тармоқлари	580,7	716,0	106,1

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 141,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши- 12,2 %), қурилиш – 92,2 % (7,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,2 % (15,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 104,8 % (8,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,1 % (33,4 %)ни ташкил этди.



### 2018 йил январ-мартида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



### иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 95,6 %ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,4 %ини ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Қишлоқ хўжалиги тармоғи ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 23,2 %ни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи 19,6 %ни, хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 57,2 %ни, Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 15,6 %ни, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,2 %ни, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 33,4 %ни ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил  
январ-март**



**2018 йил  
январ-март**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: Д.Бўриева  
Тел: (0371) 230-85-80**